



УДК: 631.674 + 631.675

**ДЎЗАНИ ТОМЧИЛАТИБ СУДОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА
СУДОРИШ ТАРТИБИНИ ТУПРОҚНИНГ СУВ
ЎТКАЗУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ**

Курбанова Гулбахор Абдусатторовна,

қ. х. ф. номзоди

Ингичка толали пахтачилик илмий тадқиқот институти

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17537336>

Аннотация: Ушбу мақолада Сурхон- Шеробод воҳаси суғориладиган тақир, тақирсимон-ўтлоқ тупроқларида ғўзанинг ўрта толали Бухоро-102 навини томчилаб суғориши бўйича 2009-2011 йиллари илмий изланишлар олиб борилди. Тажрибада тупроқнинг агрофизик хусусиятларида тупроқнинг сув ўтказувчанлигига ҳар хил суғориш тартибининг таъсири ўрганилди. ўтказилган дала тажрибаларидан олинган маълумотларда ўз исботини топдиганлиг ҳақида суз юритилган

Калит сузлар: нав, ғўза, кусак, ҳосилдорлик, намлик, ҳажм массаси, ЧДНС, сув, суғориш тартиб, уғит, меъёрлари..

Кириш: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 июл 2020 йилдаги ПФ-6024-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси”, 1 март 2022 йилдаги ПҚ-144-сонли “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 24 феврал 2021 йилдаги ПҚ-5005 сон “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021 – 2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарорида белгилаб берилган устувор йўналишлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ҳамда Ўзбекистон республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабардаги ПФ -205” Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг кўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2022 йилнинг 7 июлидаги ПҚ -308 – сонли қарори “ ижросини таъминлаш шу кунинг долзарб муаммосидир.

Дўзани томчилатиб суғориш бўйича олиб борилган тажриба тизими ва услубиёти.

Сурхондарё вилояти шароитида ғўзани томчилатиб суғориш технологиясида суғориш тартибини ишлаб чиқиш бўйича тажрибалар 2009-2011 йилларда Сурхондарё вилоятининг Бандихон тумани “Ғаллакор” фермер хўжалигининг далаларида тадқиқотлар олиб борилди.



Тажрибаларда қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида дала тадқиқотлари ўтказилиб, уларда ғўзани суғоришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш орқали суғориш тартиби ва озика моддалари меъёрини аниқлаш, сув ресурсларини иқтисод қилиш ва ғўзадан барқарор ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш, бундан ташқари ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилди. Ғўзани етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича тажрибалар ПСУЕАИТИ услубияти бўйича ўтказилди. Тажрибалар бир ярусда, 3 қайтариқда жойлаштирилиб, ҳар бир қайтариқнинг майдони 720 м^2 (узунлиги 100 м, кенлиги 7,2 м), тажриба даласининг ҳисобий майдони – (2160 м^2), умумий майдони – 12960 м^2 ни ташкил қилди. Тадқиқотлар даласида ғўзани томчилатиб суғориш технологиясида суғориш ҳамда озиклантириш тартибини ишлаб чиқишда барча агротехник тадбирлар Сурхондарё вилояти учун тасдиқланган технологик харита асосида олиб борилди.

Тажрибадан олинган натижалар

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги Сурхон- Шеробод воҳасида ғўзани томчилатиб суғориш технологияси асосида суғориш тартибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларида тупроқнинг сув ўтказувчанлик хусусияти асосий омиллардан бири ҳисобланади. Тупроқнинг сув ўтказувчанлигини аниқлашда ҳар йили ғўзани экишдан олдин ва амал-ўсув даври охирида «ички ва ташқи халқалар» усули бўйича 6 соат давомида ҳар бир вариант ва қайтариқлардан алоҳида аниқлаб борилди. Аниқланган ўртача маълумотлар жадвалларда келтирилган. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги. Тажриба даласида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги биринчи мавсумий суғориш олдида ва ўсув даврининг охирида даланинг уч жойидан эгат усулида аниқланади.

Тупроқнинг сув ўтказиш қобилиятига унинг ҳажм массаси, жойнинг гидрогеологик шароити, тупроқнинг намлиги, сизот сувлар сатхи ва тупроқ ҳарорати, унинг шўрланиши, тупроқга ишлов бериш сони ва мавсумий суғоришлар таъсир этади. Ғўзанинг ўсув даври бошида куздагига нисбатан сув ўтказувчанлик кўпроқ бўлади. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги баҳорда 1-соатда 56,0-54,0 2-соатда 10,0, 3-соатда 7.0 кейинги соатларда 5.0- м 3.9 м/с ташкил этган бўлса, кузга бориб 1-соатда 30.0 2-соатда 14,3-15.8 ва кейинги соатларда 4-5 мм/с, ни ташкил этди. (1-жадвал). Тупроқнинг сув ўтказиш қобилияти С.В.Астонов классификацияси бўйича кам даражадаги сув ўтказувчанликка мансуб. (1-жадвал). Маълумотларидан кўриниб турибдики,



тупроқнинг сув ўтказувчанлиги баҳорда 1 соатларда куздагидан каттароқ, кузда эса кейинги соатларда баҳордагидан кўпроқ миқдорни ташкил этади.



1-Расм. Ёўзани томчилатиб суғориш технологияси асосида суғориш тартибини ишлаб чиқишда тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири.

Тажрибадан шундай хулоса чиқадики, ёўза қатор ораларига ишлаш учун қанчалик трактор кўп кирса, катта меъёрларда мавсумий суғоришлар ўтказилса, тупроқ қатламларининг кўпроқ зичлашувига ва сув ўтказувчанликнинг ёмонлашувига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Авлиякулова А.Э. Орошение культур хлопкового севооборота. Тошкент. Мехнат. 1988. 164 б. 2. Ковда В.А. Тупроқ ҳақида таълимот асослари. 2 жилди. «Фан» нашриёти. М. 1973. 29-47 бет
2. Ёўза билан ўтказиладиган дала тажрибалари услубияти. Тошкент, 1973. 88-113 бетлар
3. Жўракулов Б., Ортиқов А.З., Мирзаев Ш., Қодиров А. Томчилатиб суғоришда лазер нурларидан фойдаланиш “Сурхондарёда қишлоқ хўжалигини интенсив технология асосида ривожлантириш муаммолари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Термиз-2001 й. Б.48-51